

ХИДОЯТ АЛЛОХДАН

10:36 / 28.04.2017 8120

Ҳидоят Аллоҳдан! Бунга шубҳа қилганлар нақадар хатокор инсонлардир. Аллоҳ роббил аъламин хоҳлаган бандасини ҳидоят қилади. Бунга 1992 йили Нобель мукофотида рўй берган воқеа етарли далилдир.

Кўпчиликка маълум, Нобель мукофоти ҳар йили ўз соҳасининг илғор вакилларига топширилади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа муаллифи тўқсонинчи йиллар аввалида оламшумул кашфиёт билан бутун дунёни ўзига қаратди. Америкалик бир неча олим етти йил давомида олиб борган изланишлари натижасида ойнинг харитасини тузиб чиқишди. Бу ҳақиқатан ҳам кашфиёт эмасми? Нобел мукофотига сазовор бўлишга тайёрланаётган олимлар Швециядаги йиғилишда бирин-кетин, бир-бирларига навбат бермай, тўлқинланиб сўзлашарди. Охири, олимлар раҳбари Жон Хаккерби ойнинг харитасида нозик нуқта борлигини маълум қилди. Кашфиётчилар томонидан аниқланишича, ҳар тун ер шарини ёруф бўлишини таъминлайдиган ой бир неча йиллар муқаддам ўртадан бўлинган экан. Харитада ойнинг ўртасидан бўлиниш асорати сифатида диоганал чизиқ ўтганди. Анжуманга йиғилганлар бу фактни эшитган заҳоти "қачон-қачон" деган саволлар янграй бошлади. Хаккерби мелодий сана бўйича тахминан олти-еттинчи асрлар деган жавобни берди.

Хуллас, ўша анжуманга келган Зиндоний мулоҳаза билдирувчилар сафида микрофон олдига келмаганида, эҳтимол бу воқеа тарих саҳифаларида кичик бир ходисот сифатида қолиб кетиши ҳам мумкин эди. Арабистонлик уламо минбарга чиқиб, ҳаммани ҳайрон қолдирди: "Жон Хаккерби жаноблари жуда тўғри баён қилдилар. Ҳақиқатан ҳам ой бўлинган. Бундан 14 аср муқаддам пайғамбаримиз Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи ва васаллам мушрикларнинг талабини қондириш ниятида, албатта, Аллоҳнинг хоҳиши билан ойни бўлиб кўрсатганлар. Ўша ой бўлинган маҳали нафақат Макка аҳли, балки бошқа юртлардагилар ҳам бу ходисага гувоҳ бўлишган. Бу ҳақда жуда кучли ҳадислар келган. Ҳадисларнинг санади ўта саҳиҳ йўллар билан етиб келган, биз мусулмонлар ойнинг харитаси тузиб чиқилмасидан олдин ҳам ойнинг бўлинганига иймон келтирганмиз. Лекин Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва васаллам ойни бўлиб кўрсатганларида ҳам, ўз талаблари қондирилганига қарамай, мушриклар буни сеҳр деб аташган. Муҳаммад бизни алдади, сеҳр қилди,

деган баҳоналар билан ўз билганларидан қолишмаган". Жўшқин нутқ сўзлаган Зиндоний кейинчалик, ушбу анжумандан сўнги хулосаларини ўз китобида қуйидагича ҳикоя қилади: "Менинг сўзларим йиғилганларга қаттиқ таъсир қилди. Улар то ўз ўрнига тушгунимга қадар тинмасдан қарсақлар чалиб туришди. Қарсақ чалаётган одамларнинг ичида мусулмонлар шаънига яхши фикр билдираётганлар жуда кўп эди. Лекин мен нимагадир анжуманга келганларни пайғамбаримиз давридаги мушрикларга ўхшатдим. Чунки ўшалар ҳам, бугунгилар ҳам Аллоҳнинг ҳақиқий мўъжизасига фақат қарсақ чалишган, уни олқишлашган холос. Мен Аллоҳнинг мўъжизасини улар иймонга келсинлар деб жўшиб ҳикоя қилсам-да, Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло Ўзи истаган бандасини ҳидоят қилар экан. Мен ўша куни, тинмасдан қарсақ чалиб қолган бечора халқни кўриб, ич-ичимдан уларга ачиндим: - Нақадар қийин аҳволдасиз, ахир сиз нимани олқишлаётганингизни биласизми? Эртага буларнинг ҳаммаси сиз учун ҳужжат бўлади-ку?! Эртага, Қиёмат Куни, ҳамма савол-жавоб қилинганида, эшитмадим деган сўзни айта оласизларми? Ҳайқиргим келарди-ю, улар тинмасдан менга қарсақлар чалишарди. Гўё мен уларга ойни бўлиб кўрсатганимдек... Лекин ўша пайти аниқ амин бўлдимки, мабодо Аллоҳнинг хоҳиши билан ой анжуман аҳли тепасига келиб тўртга бўлинса ҳам, улар худди Макка мушриклари сингари буни сеҳрга йўярдилар. Ҳидоят Аллоҳдан экан. Бу унутилмас воқеа менга Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи ва васалламнинг мўъжизаларидан кўра муҳимроқ, каттароқ мўъжизани намойиш этди. Бу шундай мўъжизаки, шунча далил туриб ҳам, одамлар Аллоҳнинг хоҳишисиз ҳидоят шарбатини тотиб кўрмас эканлар. Ойнинг бўлингани бунинг олдида ҳеч нарса эмасди гўё..."

Швецияда ўтказилган анжуманда манна шундай воқеа содир бўлган. Биз ҳам шу ўринда бир фикр билдириб қўйсак. Азиз ўқувчи, сиз бу ҳикояни диққат ила ўқидингиз, Аллоҳдан паноҳ сўраймиз, тағин Макка мушриклари сингари, анжуманда қарсақ чалиб қолган авом сингари асосий ҳикматдан бебаҳра қолманг. Узилмас занжир бизга ҳам етиб келди, илоҳо, ойнинг бўлинганини кўрган қавм ва унинг мўъжизалигини ўн тўрт аср ўтгач эшитган қавм каби фақат чапак чалиб қолиб кетмайлик.